



2020 йил 12 декабрь

Бухоро шаҳри

112/20-VI

**Бухоро вилояти ташқи реклама объектларида (конструкцияларида)  
ташқи рекламани жойлаштириш (тарқатиш) ҳуқуқи учун  
табақалаштирилган йиғимларни белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги 104-сонли “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги қарорига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. Бухоро вилояти ташқи реклама объектларида (конструкцияларида) ташқи рекламани жойлаштириш (тарқатиш) ҳуқуқи учун табақалаштирилган йиғимлар миқдори 1-иловага мувофиқ белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги 104-сонли “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Ўрнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун тўлов миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом” билан вилоятдаги туманлар ва шаҳарларнинг ҳудудий зоналари коэффицентлари 2-иловага мувофиқ белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари мазкур қарор кучга кирган санадан бошлаб илгари тузилган шартномаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни таъминласин.

4. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) куриш учун бериладиган ер участкаларини ҳамда давлат мулки бўлган бино ва иншоотларни аниқлаш мақсадида ҳудудларни ўрганишни;

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш учун ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларга реклама объектларини жойлаштириш ҳуқуқини белгиладиган ҳужжатлар тайёрланишини;

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) тизимли мониторинг қилишни ва уларни ноқонуний жойлаштириш ҳолатларини аниқлашни;

ташқи реклама объектларида (конструкцияларида) жойлаштирилган рекламалар, шу жумладан ижтимоий рекламалар ҳисобини юритишни;

йўлнинг қатнов қисмида жойлашган аҳоли турар-жой биноларининг ташқи қисмида (балкон, лоджия, дераза, эшик ва бошқа тарафига) ҳар қандай

турдаги шахсий эълонларни жойлаштирилишига йўл қўймаслик чораларини кўришни;

ушбу соҳада аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари бўйича тегишли чора кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасига таклифлар киритилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасига ушбу соҳадаги қонунбузилиш ҳолатлари олдини олиш чораларини кўриш ҳамда ҳудудларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тегишли чораларни кўриш топширилсин.

6. Вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси (Б.Адилов)га туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда йиғимнинг тўлиқлиги, ўз вақтида ва тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўловларнинг тўланиши бўйича назоратни амалга ошириш топширилсин.

7. Мазкур қарор “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарор ижросининг назорати халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

9. Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши белгилансин.

**Халқ депутатлари вилоят  
Кенгаши сессиясининг раиси**



**Ф.Аминов**